



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 20.01.2022 г. № 2

между "HUDUDGAZTA'MINOT" AJ и Пешку туман 1-сон Болалар ва усмирлар спорт мактаби на общую
сумму 5 999 400,00

Глава _____ 245
Казначейский лицевой счёт 100022860062407083610245001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4222000			
Январь	1 999 800,00			1 999 800,00
Февраль	1 999 800,00			1 999 800,00
Март	1 999 800,00			1 999 800,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	5 999 400,00			5 999 400,00

Всего 5 999 400,00 сум

пять миллионов девятьсот девяносто девять тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 100 % *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в текущий мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный ____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до ____ числа текущего месяца.
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)



Руководитель заказчика

М.П.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Файзуллаев Нарзулло Нуруллоевич

Ф.И.О.

(подпись)

Бобониёзов Сардор Саёд угли

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

«___» 20 ___ г.

Получил работник
заказчика

(подпись)

«___» 20 ___ г.

ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

2- сонли ШАРТНОМАСИ

«20»ЯНВАРЬ 2022 йил

Пешкү туман

Пешкү туман 1-сон Болалар ва усмирлар Спорт мактаби (бундан бўён «Истемолчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Н.Файзуллаев** бир томондан ва Худудгаазтаъминот Пешку туман филиали (бундан бўён «Таъминотчи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари **Ф.Хайдаров** томондан Ушбу шартномани қуидагилар ҳакида туздилар.

Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Истемолчи»нинг буюртманомасига мувофик тармоклар оркали табиий газ етказиб беришни «Таъминотчи» ўз зиммасига олади. «Истемолчи» эса мазкур шартноманинг 1.3. бандида белгиланган табиий газ ҳажмини қабул қилиб олиш ва белгиланган нархлар бўйича ҳак тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. «Таъминотчи» табиий газ етказиб беришни факат «Истемолчи»да газ ўлчаш асбоблари мавжуд бўлган ҳолатда амалга оширади.

1.3. «Истемолчи»нинг буюртманомасига асосан 2022 йил етказиб бериладиган табиий газнинг ҳажми 9090 куб.метрни, нархи, 660 сумдан жамиси 5 999 400 сўмни ташкил киласи*, шундан бюджет маблағлари хисобидан 5 999 400 (Беш миллион туккиз юз туксон туккиз минг турт юз) сум шу жумладан чораклар бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истемолчилар бундан мустаснодир

• 1 чорак 9090 куб.м.	январ 3030	феврал 3030	март 3030
• 2 чорак куб.м.	апрел	май	январь
• 3 чорак куб.м.	июл	август	сентябрь
• 4 чорак куб.м.	октябрь	ноябрь	декабрь

1.4. «Истемолчи» ойма-ой буюртманома бермаган ҳолатда, табиий газ ҳажми «Таъминотчи» томондан чоракка ажратилган газ ҳажмини ойма-ой бир хил таксимлайди.

1.5. Табиий газни узлуксиз етказиб бериш максадида «Таъминотчи» томонидан истемол қилинган ойлик газ ҳажми 100 минг.куб.м.дан ортиқ «Истемолчи»лар учун, ойлик газ ҳажмидан келиб чикиб ўртача кунлик ва ўртача соатлик газ ҳажми хисоблаб чикилади.

1.6. Ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларига ўзгартириш, истемолчининг таклифи билан мўлжалланадиган ўзгартиришлардан камида 10 кун олдин навбатдаги ой (йил чораги) учун буюртма берилган газ ҳажмлари бўйича шартномаларга киритилган ўзгартиришлар ортиқча олиш деб хисобланмайди. ой бошланишига 10 кун колгунча, томонларнинг келишувига асосан белгиланган тартибда киритиш мумкин. Лекин ушбу ўзгартиришлар 1 ойлик газ миқдори учун 30% дан кам булмаган фоизда олдиндан тўлов ўтказилганда амал киласи. (Бюджет ташкилотлари учун камида 15 фоиз миқдорида олдиндан тўлов ўтказилганда амал киласи.)

2. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. «Таъминотчи» 1.3. бандда кўрсатилган ҳажмда «Истемолчи»га табиий газ етказиб беради ва етказиб берилган газ учун хисоб-китоб нормал куб.м.да (ГОСТ 5542-87, 1,1-банди. T=20°C, P=760 мм симоб устуни,)да хисобланади.

2.2. «Истемолчи» ой мобайнида бир маромда, газ истемолининг ўртача кунлик мөъёри чегарасида, ҳамда ушбу шартноманинг 1.3. ва 1.4. бандларida кўрсатилган ҳажмда «Таъминотчи» дан табиий газ қабул қилиб олади. Шунингдек, табиий газ етказиб берилганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисида ой охирида тузилган далолатномага имзо кўяди.

2.3. Газ ҳажмлари тўғрисида хисобот ойида топширилган ва қабул қилинган хужжатлар «Истемолчи»нинг газ хисоблагичи бўйича аникланган:

- «Таъминотчи» билан «Истемолчи» ўртасида газ етказиб бериш ва қабул қилиш ҳакида тузилган техник далолатномаларда акс эттирилган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз газ хисоблагичлар бўйича ушбу русумли газ хисоблагичлар учун истемолчи томонидан юритилган қайд дафтарлари (журналлар) билан тасдиқланган маълумотларга;
- Тузатиш киритувчи электрон блокли хисоблагичлар бўйича хисобот даври учун чиқарилган архив маълумотлари (распечатка) ларга асосан аникланади.

«Истемолчи» балансида бўлган газ кувурларида ва ГТМ даги газнинг йўқолган ҳажми «Истемолчи» хисобига карашли бўлади.

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга кадар, вактинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.

2.4. «Истеъмолчи» газ берилган газ ҳажми Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи газ хисоблаш коидаларига мувофик равишида ўрнатилган назорат-ўлчов асбоблари, соз ҳолатдаги хисоблагичлар ва газ сарфини ўлчовчи мосламалар кўрсатгичлари бўйича хисобланади.

«Истеъмолчи» газ хисоблагичларнинг соз ҳолатда бўлиши, ҳамда уларни ўз вактида таъмирланиши ва даврий текширувдан ўтказилиши учун жавоб беради. Газ хисоблагичи тузатиш киритувчи (блок коррекция)сиз бўлган истеъмолчилар кундалик газ сарфини ёзувчи дафтари тутишлари ва кундалик фойдаланилган газ сарфи ёзиб борилиши керак.

2.5. Агарда табиий газ Шартномада кўрсатилган микдордан кам микдорда етказиб берилса, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Қонунига биноан Таъминотчига нисбатан Истеъмолчи фойдасига жарима санкциялари қўлланилади.

Куйидаги ҳолатлардан ташкари:

- авария вазиятларида, табиий офатларда;
киш мавсумида газ танкислиги сабабли, жойлардаги ҳокимликлар томонидан тасдиқланган, истеъмолчиларга газ етказиб берниш вактинча чегараланганида; (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир)

- «Истеъмолчи» томонидан газ истеъмол килувчи ускуналар ва газ хисоблаш тармокларидан фойдаланиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бузилганида, фойдаланилган газ ҳаки тўлланмаган тақдирда хисоб-китоб ишлари, мазкур шартноманинг 2.7., 2.14. – бандларига асосан амалга оширилади

2.6. «Истеъмолчи» ушбу шартноманинг 6.4 ва 6.5. бандида кўрсатилган жарима санкцияларини олган кундан бошлаб 10 кун ичида тўловни амалга оширмаса, «Таъминотчи» олдиндан огоҳлантиrmай туриб, газ таъминотини тўхтатиб кўйишга хаклиdir.

2.7. Истеъмолчи томонидан тузилган шартномада белгилангандан ортиқ ҳажмда ва газ етказиб берувчи билан олдиндан келишмасдан газ олган тақдирда газ истеъмолчисидан куйидаги микдорда:

- истеъмолчи учун шартнома ҳажмларидан ортиқча олинган газ киймати 2 коэфидент билан оширма тулов ундирилади. (Ўзб.Респ. В.М.нинг 132-сон карори асосан)

2.8. «Истеъмолчи»да захира ёкилғисини ёкиш тизими бўлиши, захирани иситиш мавсуми бошланишидан олдин тўлдириб кўйиши ва кузги-кишки даврда ёки газ танкислигида, авария ҳолатларида корхонанинг бир маромда ишлаши учун захира ёкилғисини жамлаб кўйиши керак.

«Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат.дан юкори кувватли козонхона курилмалари газ ёкилғиси етказиб бернишдаги узилишларни хисобга олган ҳолда, 2 ойдан кам бўлмаган давр мобайнида ёкишга мўлжалланган захира ёкилғиси хўжалигига (СнП –2-35-76) эга бўлиши, «Истеъмолчиларнинг» 20 Гкал/соат. дан кам кувватли, 1-тоифага киравчи козонхона курилмалари авария ёкилғисига эга бўлиши керак.

2.9. «Истеъмолчилар» шартномага мувофик равишида белгиланган муддатларда газдан фойдаланишни тўхтатадилар ҳамда икки томонлама далолатнома тузиб, газ таъминотининг курилмаларининг ўчириладиган кисмларини тамғалаш ёки пайвандлаш йўли билан газ тармоғидан учирish учун «Таъминотчи» ўз вакилини юборади.

2.10. «Истеъмолчи» газ хисобини олувчи хўжалик хисобидаги газ ўлчаш тармоклари (узеллари) ва хисоблагичларини ўрнатиш, улардан фойдаланиш ва текширувдан ўтказиш ГОСТ 8.563-97 талабларига мувофик амалга оширилишини таъминлайди.

2.11. Газ истеъмол килувчи жиҳозлар, ГТП (газ тақсимлаш пункти) ва газ хисоблагичларнинг созлиги ва талаб даражасида сакланиши, ҳамда уларни ўз вактида текширувдан ўтказиш учун «Истеъмолчи» корхона раҳбарлари жавобгардирилар.

2.12. «Истеъмолчи»нинг хўжалик хисобидаги хисоблаш ускунаси хисоблаш хатолиги ГОСТ 8.563-97 нормаларига мувофик бўлган газ хисоблаш тармоғи хисоб-китоб учун ярокли деб хисобланади.

2.13. Агарда, «Истемолчи»даги газ хисоблагич мосламаси Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи газ хисоблаш коидаларига мос келмаса, «Истеъмолчи»даги асосий газни хисобга олиш приборлари носоз булганда ва улар газ етказиб берувчидан мавжуд булмаганда ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан етказиб берилган газ микдори тамғаланмаган ускуналарнинг лойихадаги куввати ва газ сарфини хисобга олиш приборлари: носоз булган вактда шартномада назарда тутилган бошка усул билан аникланади (Ўз.Р ВМ 08.01.2004. 9-Қарори таҳриридаги банд) яъни, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун хисоб-китоб «Таъминотчи» томонидан тамғаланмаган барча газ истеъмол килувчи курилмаларнинг энг юкори газ сарфи кувватида, кунига 24 соат иш тартибида хисобланади. Ушбу хисоб-китоб «Истеъмолчи» даги газ хисоблаш мосламаси ГОСТ 8.563 –97 ва Ўзбекистон Республикасининг шу турдаги газ хисоблагичлар учун бошка ГОСТларга мос ҳолга келтирилгунинга кадар амал килади. «Истеъмолчи» бунга норозилик билдириса, камчиликлар бартараф килингунга кадар «Таъминотчи» уни газ таъминотидан бутунлай узиб кўйишга хаклиdir (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Карори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.14. «Истеъмолчи» ўз хисоблагич хотирасидан мунтазам равишида ҳар ой тузатиш киритувчи (блок коррекция) дан олинган архив маълумотларини ёки кундалик фойдаланилган газ сарфини ёзувчи дафтари билан тасдиқланган хисоблагич кўрсаткичларини «Таъминотчи»га хисобот ойи тугаши билан тақдим килиши шарт.

Электрон газ ўлчагич кўрсаткичлари архив маълумотлари (распечатка) «Истеъмолчи» томонидан дарво муддати мобайнида яъни, 3 йил сакланиши шарт. (Ўз.Р. Ф.К. 150-модда)

2.15. «Таъминотчи» вакили ҳар ойда «Истеъмолчи» билан биргаликда газ босимига ва ҳароратига «Таъминотчи» сифат лабораторияси томонидан берилган тузатишларни электрон хисоблагич кўрсатмалари бўйича киритишлари керак.

2.16. Газ хисоблагич ёрдамида газ хисоблаш мосламасидан фойдаланганда «Истеъмолчи» куйидаги талабларга риоя килиши шарт:

- газ босими ва газ хисоблагичнинг хисобга олувчи кисми атрофидаги ҳавонинг ҳарорати хисоблагични ишлаб чиқарган корхона-заводнинг хисоблагични ишлатиш талабларига мос келиши керак;
 - газ хисоблагичдаги ишчи босим истеъмолчининг ГТП (газ таксимлаш пункти)нинг соз ҳолатда эканлиги тўғрисидаги далолатномани «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га тақдим килинади;
 - газ хисоблагичдан фойдаланиш жараённида «Истеъмолчи» унинг хисоблаш механизми ва тузатиш киритувчи (блок коррекциясини)ни шикастланнишдан эҳтиёт қилиш;
 - газ хисоблагични ишлатишда хисоблагич паспортида кайд килинган талаблар бажарилиши;
- Газ хисоблагич куйидаги талабларга жавоб бериши:
- газ хисоблагичнинг кўриш жойларида хисоблаш механизмидаги кўрсаткичларни тўсқинликсиз олиниши, ҳамда шикастланган жойлар ва камчиликлар (дефектлар) бўлмаслиги;
 - ишлаб чиқарувчи корхона- завод ва «Ўздавстандарт» тамгалари сакланган, бут бўлиши;
 - хисоблаш тармоғи ва импульс йўлларида газ сизиб чиқиши ҳолатлари бўлмаслиги;
 - газ хисоблагичда ишлаб чиқарган корхонанинг товар белгиси, газ хисоблагич русуми, раками, унинг аниклик даражаси ва ишлаб чиқилган йили кўрстилганлиги;
 - газ хисоблагич корпусида газ окимини кўрсатиб турувчи ёй (стрелка) бўлиши;
 - газ хисоблагич шовкінсиз ишлаши шарт.

Агарда газ хисоблагич юкоридаги талаблардан бирига жавоб бермаса, хисоблагич фойдаланишга яроқсиз деб хисобланади ва аникланган камчиликлар «Истеъмолчи» томонидан бартараф этилмагунига қадар хисоблаш тармоғи яроқсиз деб хисобланади ва фойдаланилган табиий газ учун хисоб-китоб ишлари мазкур шартноманинг 2.14. асосан амалга оширилади.

2.17. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилига, хафтанинг исталган вақтида ойига камида 4 маротабадан кам булмаган лекин, 10 мартадан кўп бўлмаган микдорда газ хисоблаш асбоблари ва газ ишлатувчи ускуналарини ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб кўриши учун шароит яратиб бериши шарт. «Истеъмолчи» ташаббуси билан «Таъминотчи» вакилини таклиф килиф қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

Агарда, «Таъминотчи» вакили газ ускуналари ва газ хисоблаш асбобларини текшириш учун «Истеъмолчи» худудига киритилмаса, «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган газ сарфи учун хисоб-китоб, мазкур шартноманинг 2.13 бандига асосан амалга оширилади, «Таъминотчи» вакилининг охирги марта келган пайтидан бошлаб амалга оширилади. Эслатма:

«Истеъмолчи» нинг газ ускуналари ва газ хисоблаш асбобларини текшириш учун киритилмаганлиги тўғрисида «Таъминотчи» вакили томонидан далолатнома расмийлаштирилганлиги асос бўлиб хисобланади.

Агарда, «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилининг худудига киритилмаганлиги тўғрисида ёки газ хисоблаш мосламаси, тижорат хисоблагич сифатида тан олинмаганлиги тўғрисида тузилган далолатномага имзо қўйишдан бош тортса, «Таъминотчи» далолатномани бир томонлама тартибда тузади. Бунда, газ хисоблаш мосламасини текшириш пайтида иштирок этган «Истеъмолчи» вакилининг исми, шарифи ва мансаби ҳамда “истеъмол”чининг манзили кўрсатилади.

Агарда “Истеъмолчи” далолатномага имзо кўйишда бош тортса унда, “Таъминотчи” томонидан уч кишидан кам булмаган шахслар иштирокида тузилган далолатнома ҳақиқий деб хисобланади.

2.18. Газ хисоблаш воситалари ишдан чикса ёки яроқсиз ҳолга келиб колса, «Истеъмолчи» бу ҳакида «Таъминотчи»ни зудлик билан хабардор қилиши керак. Агарда, айрим газ ускуналари ишламаётган бўлса, уларни тамғалаш учун «Таъминотчи»ни хабардор қилиши керак.

2.19. Газ ускуналарини кайта таъмирлаш билан боғлик ҳолда газ сарфи хисоб-китоби ўзгарганида «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га газ асбобларини ўзгартириш учун техник шарт ёки рухсатнома, «Саноатконтехназорат» ва «Ўздавнефтгазназорат» инспекциялари томонидан берилган рухсатномаларни тақдим қилиши шарт. Шундан сўнг шартномага ўзгартиришлар киритилади.

2.20. Газ хисоблаш пункти ишдан чикканида «Истеъмолчи» «Таъминотчи» вакилини 1 сутка давомида хабардор қилиб, газ хисоблаш прибори кўрсаткичини кайд қилиш тўғрисида тегишли далолатнома тузилганида, газ кувури тизими орқали газдан фойдаланишга рухсат этилади. Бундай пайтида «Истеъмолчи» газ хисоблаш тармоғини таъмирлаш учун тезкор чора кўриши шарт. «Таъминотчи» томонидан газ хисоблаш ускунаси ўрнатилгунга қадар фойдаланилган газ сарфи учун хисоб-китоб мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади.

2.21. Газ хисоблагич, тижорат хисоблагични бир маромда ишлаши учун «Истеъмолчи», ёзги ва кишки даврда газ истеъмол қилиш хажмига караб торайтириш ускуналарини алмаштириш ва газ ўлчаш асбобларини ўз вақтида талаб даражасида булишини таъминлаб бориши шарт.

2.22. Газ хисоблаш асбоблари сарфланаётган газ микдорига мос бўлиши керак. Газ хисоблаш мосламаларининг техник характеристикасида кўрсатилган чегарадан кам микдорда газ сарфланса, газ микдорининг хисоби ва газ сарфи, газ ўлчов мосламасини техник характеристикасининг пастки чегараси бўйича олинади бунда, “Истеъмолчи” 15 кун муддат ичida газ ёкиш ускуналарига мос газ хисоблагич мосламаларини ўрнатиш мажбуриятини олади.

Газ хисоблагич мосламалари, газ сарфини хисоблашда тармоқнинг хатолик даражаси 1,5% дан юкори бўлса, газ сарфи хисоб – китоби газ хисоблаш прибори шкаласининг хатолиги 1,5% дан юкори бўлмаган фоизи бўйича амалга оширилади. Рухсат этилган максимал чегарадан юкори микдорда газ сарфланса, газ хисоби ўрнатилган ва тамгаланмаган газ ускуналарининг газ сарфи мазкур шартноманинг 2.13. бандига асосан ҳисобланади.

2.23 «Таъминотчи» томонидан “Истеъмолчи”нинг хужалик хисобида бўлган газ хисоблагич мосламаларини кўрилганда, газ хисоблаш мосламаси бир маромда ишламаётганлиги, таккослов текшируви (хронометраж) ўтказилганда, ташкаридан газ хисоблаш мосламаларига таъсир кўрсатилганда ва бошқа ҳолларда, газ хисоблаш мосламаларини жойлардаги «Ўздавстандарт» бошкармаларида экспертизадан ўтказишни ва назорат-ўлчов асбобларини навбатдан ташки текширувдан ўтказишни талаб қилишга ҳақли.

Агарда, газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса, экспертизадан ўтказиш учун тўлов, газ ҳисоблаш асбоби эгаси томонидан амалга оширилади.

Газ ҳисоблаш асбоблари соз ҳолатда бўлса, экспертизадан ўтказиш учун сарфланган харажатлар, экспертизадан ўтказиши талаб килган ташкилот томонидан амалга оширилади.

2.24 “Истеъмолчи” томонидан газ тармоқларига узбошимчалик билан уланган холларда урнатилган газ ёкиш ускуналарнинг сарфланган табиий газ учун ҳисоб-китоб уланган вактдан бошлаб 10 баравари кийматидан ундирилади ва газ тармоғидан (курилмаларидан) мажбурий тарзда узиб кўйилади. (Ўз.Р. ВМ 09.03.1994й. 124-сон Қарори 1.2 б.)

2.25 Қуидаги холларда «Истеъмолчи» томонидан фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб «Таъминотчи» вакилининг охирги марта келган пайтдан бошлаб, тамгаланмаган барча газ истеъмол қилувчи газ ускуналарнинг лойихавий юкори қувватидан келиб чиқиб, мазкур шартноманинг 2.13.-бандига асосан амалга оширилади:

а) газ ҳисоблаш асбоблари носоз бўлса ёки газ сарфини торайтирувчи мосламалар билан ўлчашда ГОСТ 8.563-97. коидалари бузилса;

б) сарф ўлчагичлар, торайтирувчи мосламалар, газ ҳисоблагичларнинг Давлат кўригидан ўтган муддати ва газ ҳисоблаш тармоғига (узелига) берилган гувохномалари (сертификатлар) муддати тугаганидан кейин;

в) газ ҳисоблагичларни Давлат кўригидан ўтказиш учун ечиб олинган кундан бошлаб, кайта урнатилган кунгача бўлган муддатларда;

г) «Таъминотчи» вакили томонидан «Истеъмолчи» хужалик ҳисобида булган газ ҳисоблаш мосламаларининг байпас йўлларида, импульс йўлларида, торайтирувчи мосламалар камераларида ва сарф ўлчагичларнинг созловчи мурвати (вентили)да газ сизиб чиқиш ҳолати аникланганида;

д) «Истеъмолчи» томонидан газ сарфи ўлчайдиган электрон газ ҳисоблагичлардан олинадиган маълумотлар йўқотилган бўлса;

е) назорат-ўлчов комплексининг тузатиш киритувчи блоки ишламай колганида, механик равишида ўлчовчи мосламалар мавжуд бўлмаса ёки тўхтаб колган бўлса;

ж) «Таъминотчи» вакили охирги марта келган пайтдан бошлаб, «Таъминотчи» томонидан газ истеъмол қилувчи агрегатларга, газ ҳисоблаш приборларига ўрнатилган тамғалар узилганида.

«Истеъмолчи» ўрнатилган тамгаларни ўзбошимча равишида узганлик тўғрисида тузилган далолатномага имзо кўйишдан бош тортган тақдирда ҳам, жавобгарлик унинг зиммасида колади.

2.26. Мазкур шартноманинг 2.3. бандига мувофик, сарфланган газни газ ҳисоблагич бўйича ҳисоблаганда қуидагилар инобатга олинади:

а) термометрлар ва манометрларнинг соз ҳолатда эканлиги ва уларнинг давлат текширувидан ўтган амал килиш муддати;

б) ГТМ (ГРП) созланганлиги муддати, шунингдек амалдаги ишчи босимнинг ГТМ (ГРП) созланганлиги тўғрисида тузилган далолатномага мослиги;

в) Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдикланган 19-03-22-05 РУз реестрида кўрсатилган беш ой иситиши мавсумида ҳисобланади.

“Истеъмолчи” табиий газдан фойдаланишда Ўзбекистон Республикасининг газ хужалигидаги хавфсизлик коидаларини бўзса унда, Ризб= 1кг/см² коэффициенти кўлланади.

2.27. “Таъминотчи” киши мавсумида газ танқис бўлган даврда «Истеъмолчи»га табиий газни узлукеиз етказиб беришини кафолатламайди (жойлардаги Ҳокимликлар томонидан тасдикланган, газ таъминоти тармоғидан ўчирилмайдиган рўйхатга киритилган истеъмолчилар ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилар бундан мустаснодир).

2.28. Газ таъминоти тармоғи чегарасидан кейин «Истеъмолчи» балансидаги мавжуд газ қувурлари, унданда қурилмалар ва газ истеъмол қилувчи жихозларни соз ҳолатда саклаш, ҳамда улардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгарлик «Ўзбекистон Республикаси газ хўжалиги хавфсизлик коидалари»га (Ўзб.Р Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилган, “Саноатконтехназорат”нинг 2004 йил 6 февралдаги 10-сон буйруги билан тасдикланган) биноан «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади.

Газ қувури бошланадиган жойдаги таксимловчи зулфин ёки жўмрак, агарда у «Истеъмолчи» корхонаси (объекти) худуди (тўсиги)нинг ташқарисида жойлашган бўлса, ултуржи истеъмолчилар учун газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади. Агарда газ тармоғининг бўлинадиган чегарасида зулфин ёки жўмрак мавжуд бўлмаса, у холда корхона (объект) худудининг тўсиги (девори) газ тармоғининг бўлинадиган чегараси бўлиб ҳисобланади.

3.ТАБИЙ ГАЗ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ.

3.1. Фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб Ўз.Р. Молия Вазирлиги томонидан тасдикланган Р.Уз.19-03-22-05-сон реестрига асосан амалга оширилади.

3.2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2004 йилдаги 57-сон Қарори, 24.12.2008 йилдаги 277-сонли карорида курсатилган истеъмолчилари яъни «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб ойи бошланишидан камида 5 кун олдин «Таъминотчи» ҳисоб ракамига тузилган шартномада кўрсатилгандек ойлик газ ҳажми қийматининг камида 30 фоизи учун олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Бюджет ташкилоти ҳисоб-китоб ойи бошланишидан камида 5 кун олдин тузилган шартномада кўрсатилган истеъмол қилинадиган газ ҳажми қийматининг камида 15 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

Хусусий корхоналар, кўшма корхоналар ва тадбиркорлар ҳисоб-китоб ойи бошланишидан камида 5 кун олдин берилган буюртмага асосан олдиндан 30 фоиз тўлов ўтказишлари шарт.

Олдиндан тўлов амалга оширимаган тақдирда «Истеъмолчи»га газ бериш тўхтатилади.

3.3. Якуний ҳисоб-китоб бир ойда берилган ва қабул қилинган газ микдорига мувофик равишида келгуси ойнинг 10 кунигача амалга оширилади (Бюджет ташкилотлари учун якуний ҳисоб-китоб келгуси ойнинг 30 кунигача амалга оширилади).

Узил-кесил хисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда, «Таъминотчи» томонидан хисоб-китоб ойида ҳакиқатан етказиб берилган газ ҳажми суммасига хизмат кўрсатувчи банк оркали «Истеъмолчи»га тўлов талабномалари берилади.

Агарда тўлов талабномалари «Истеъмолчи» айби билан талабнома берилган кундан бошлаб 3 банк куни мобайнида бажарилмаса, «Истеъмолчи»га газ етказиб бериш тўхтатилади.

3.4. Табиий газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка асосан белгиланади.

3.5. Агарда «Истемолчи»нинг айби билан шартномада кўрсатилган газ ҳажми тўлиқ истеъмол килинмаган бўлса, «Истеъмолчи» томонидан аванс шаклида тўланган пул маблағи истеъмол килинмаган газ учун кайтарилмайди, балки у келгуси ойнинг хисобига киритилади.

«Истеъмолчи»нинг табиий газ учун муддати ўтиб кетган карздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган карзни коплашга йўналтирилади, ҳамда аванс тўлови сифатида хисобига олинмайди.

3.6. «Истеъмолчи» ёки «Таъминотчи» нинг тўлов реквизитлари ўзгарганида улар бир-бирларига дархол хабар беришлари керак.

3.7. Саноат ва коммунал-маиший корхоналар (бюджет ташкилотларидан ташкири) олинган газ микдори тўғрисидаги маълумотларни жорий Йилнинг 28 кунидан 30-31 кунигача, газ босими ва ҳарорати бўйича тузатиш киритувчи (блок коррекции)си мавжуд бўлган электрон газ хисоблагичга эга корхоналар эса кейинги ойнинг беш кун мобайнида белгиланган тартибда расмийлаштирилган газни кабул килиш-топшириш далолатномаси асосида таъминотчига тақдим этади. Ҳисоб – китоб ойнинг 10 кунигача тўлиқ амалга оширилади.

Агар узил-кесил хисоб-китоб белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда газ билан таъминловчи ташкилот ва ҳудудий газ билан таъминловчи корхоналар газни кабул килиш –топшириш далолатномалари асосида, хизмат кўрсатувчи банклар оркали, ўтказилган тўловлар суммасини чиカリб ташлаган холда, ҳисоб китоб ойида амалда етказиб берилган газ киймати суммасига тўлов талабномалари берилади.

“Таминоччи” томонидан етказиб берилган табиий газнинг аникланган микдорига норози бўлган “Истеъмолчи” 10 кун ичida “Таминоччи” ўз норозилиги ҳакида мурожаат килади. 10 кун муддат ўтганидан сўнг, «Истеъмолчи» томонидан қилинган эътиrozлар кабул килинмайди.

4. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун хужжатлари талабларига мувофик тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. «Истеъмолчи» жорий Йилнинг 15 июл кунидан кечиктирмай келгуси йилда истеъмол килинадиган газ учун «Таъминотчи» га ўрнатилган тартибда буюртма бериши шарт. Буюртмада табиий газ истеъмолининг чораклар бўйича микдори акс эттирилиши керак. Зарур ҳолатларда буюртмадаги газ ҳажмига кўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш мумкин ва уларни жорий Йилнинг 1 сентябр кунигача тақдим килиш керак.

4.3. Табиий газ етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.4. «Истеъмолчи» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёки ундан газни етказиб бериш микдори ва санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу ҳакда «Таъминотчи»ни буюртманомада кўрсатилган ой (чорак) бошланишидан камида 10(ун) кун олдин хабардор килади.

4.5. “Таъминотчи” Табиий газ кабул килиш ва бериш тартибининг ўзгарганилиги (магистрал газ кувурлари, газ тармоклари, газ кириш кисмининг авария чегаралаш тугунларида содир бўлган носозликлар ва бошка ҳолатлар) тўғрисидаги маълумотлар түғрисида “Истеъмолчи”ни диспетчерлик алока каналлари оркали хабардор килишлари шарт.

«Истеъмолчи» газ хўжалиги тезкор бошкармасининг телефонлари:-

«Таъминотчи»нинг манзили:Ибн сино кўчаси тел:35-31-400

4.6. «Таъминотчи» газ бериш кискартирилганлиги тўғрисидаги хабарни «Истеъмолчи»га газ кискартирилишига қадар камида 6 соат олдин етказиши керак. Магистрал газ кувурларида содир бўлган авария ҳолатлари бундан мустасно.

4.7. Киш мавсумида, ҳамда магистрал газ кувурлари ишининг технологик тартиби бузилганида «Таъминотчи» газ беришни чегаралайди «Истеъмолчи» кўшимча захира-ёқилги турига ўтказиш жадвалларини ишга туширади. (26.05.2005й. 132сон Карор)

5. ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ.

5.1. Куйидаги ҳолатларда «Таъминотчи» «Истеъмолчи» газ беришни тўхтатади:
«Истеъмолчи» шартномада келишилган ҳажмдан ортиқ газ олса;
газ тармокларига ўзбошимча равишда кўшимча газ ускуналари улаб олинган бўлса;
муддати ўтган дебиторлик қарздорликлари мавжуд бўлса;
газ олиш коидалари кўпол равишда бузилганида;

буюртма берган газ ҳажми учун олдиндан тўлов (аванс) тўланмаган бўлса;

5.2. Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб бериш тармокларидан узив қўйиш ва уларни газ тармогига кайта улаш ҳаражатлари «Истеъмолчи» хисобига копланади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон Қарорининг 5-иловасида кўрсатилган корхоналарга ҳаки туланмаганлиги учун табиий газ беришни кискартириш белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва авария брони даражасигача, табиий газ беришни тўлиқ узив қўйиш эса – факат суд карорига биноан амалга оширилиши мумкин.

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Етказиб берилган табиий газ сифати шартномада ёки қонун хужжатларида белгиланган шартларга мос келмаса, «Истеъмолчи» табиий газни қабул килиш, ҳамда унинг ҳакини тўлашни рад этиб, «Таъминотчи»дан сифати ва миқдори лозим даражада бўлмаган табиий газ қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар табиий газ ҳаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибида қайтаришни «Таъминотчи»дан талаб килишга ҳаклидир.

6.2. Табиий газ етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган ҳолларда Таъминотчи «Истеъмолчи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган табиий газ қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

Мажбуриятлар форс-мажор ҳолатлари оқибатида бажарилмаган бўлса, «Таъминотчи» жарима (пеня) тўлашдан озод килинади.

6.3. «Истеъмолчи» газ ҳакини ўз вактида тўламаса, кейинги ойнинг 11 кунидан бошлаб кечиккан ҳар бир кун учун муддати ўтган тўловнинг 0,4 фоизи хисобида жарима (пеня) тўлайди. Бирок, жарима миқдори муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.4. «Истеъмолчи» газ истеъмол килувчи курилмаларни ўзбошимча равишда, «Таъминотчи» билан келишмаган ҳолда газ тармоғига улаб олган бўлса, унга нисбатан ўрнатилган газ асбобларининг 24 соатлик иш тартибида ишлайдиган тўлик қувватининг 2 баравар хисобида фойдаланилган газ учун ҳакни «Таъминотчи»га тўлайди, шунингдек «Истеъмолчи»нинг газ истеъмол килувчи курилмалари газ таъминоти тизимидан узиб кўйилади.

6.5. Агарда, газ хисоблаш асбобларининг, шунингдек газ истеъмол килувчи бошқа агрегатларга ўрнатилган пломбалар ўзбошимча равишда узилганлиги аникланса, «Истеъмолчи» ўрнатилган газ ускуналарининг 24 соатлик иш тартибидаги қуввати бўйича «Таъминотчи» вакилининг охирги марта келган пайтидан бошлаб 2 баравар хисобланган газ ҳакини «Таъминотчи»га тўлайди.

6.6. Шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-хукукий негизи тўғрисида» ги Конунига биноан жавоб берадилар.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқкан тақдирда, тарафлар коидага кўра уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳаклидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгarterишига йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонлар куйидаги ҳолатларда газ бериш ва қабул қилишни тўхтатиш ёки камайтиришга ҳаклидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар:

- а) табиий оғатларда;
- б) газ конларида, газни қайта ишлаш корхоналарида, магистрал газ қувурларида, газ тармоқларида кутилмаган авариялар содир бўлганида.

8.2. Бундай ҳолатлар содир бўлганида томонлар бир-бирларини ҳар кандай алока воситалари ёрдамида хабардор килишлари керак.

8.3. Агарда, бу ҳолатлар 90 кундан ортик давом этса, томонлар келгусида шартномани бажариш, масаласини музокара йўли билан ҳал киласилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ.

9.1. Мазкур шартномага ўзгarterишлир ва кўшимчалар киритиш тарафлар шартномани имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгarterиши ва кўшимчалар улар ёзма равишида содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳакикий хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Ғазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофик, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради).

9.3. Шартнома 2011 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгarterиши ҳакида мурожаат килмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган хисобланади. (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Коидалари”га асосан амал қилиш муддати **«31»декабрь 2022 йилгача** белгиланади).

Шартнома янги муддатга узайтирилганда, уларнинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгarterилиши мумкин.

9.4. Шартномани ўзгarterиши ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси конунчилиги билан ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

9.5. Томонлар ўртасидаги ҳар кандай баҳслар, агарда ўзаро битимга келинмаса, жавобгар манзили томонидаги хўжалик суди томонидан ҳал килинади. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича эътиrozлари, эътиroz тушган кундан бошлаб 30 кун мобайнida кўриб чикилади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.

10.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келушивуга кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишида бузган тақдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома иккى нусхада тузилиб, тарафларнинг ҳар бирiga бир нусхадан колдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхаси тенг юридик кучга эта.

11.Кушимчалар ва иловалар

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИЛЛАРИ:

«Ижрочи»

Худудгаазтаъминот

Пешку туман филиали

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Ибн сино №29 кучаси

Тел./факс: 353-14-00

х/р: 22634000805113960327

банк номи: Саноат-Курилиш банк Ракат ф.

МФО: 00435 СТИР: 306605769

ОКОНХ: 90214

Рахбар: Ф.Хайдаров



«Буюртмачи»

Пешқў туман 1-сон БУСМ

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Пешку туман

Тел./факс:-----

ш/хв: 100022860062407083610245001

бюджетдан маблаг олувчи СТИР: 206953774:

ОКОНХ: 91700

Фазначилик булинмаси номи:Пешку

тумани буйича Фазначилик булинмаси

Фазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи:Тошкент шахар Марказий банк

МФО: 00014

Фазначилик булинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар:Н.Файзуллаев

(Ф.И.Ш)



Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): С.И.Назаров
Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:

"20" январь 2022й

2 - сонли шартномага
Илова

**Фойдаланишга қабул қилинган ва газ ёқилғисига
үтказилған агрегатлар тавсифи**

№	Участка, цех, бино номи	Агрегатлар		Лойихавий соатлик газ сарфи м3/соат	Газ ҳисоблагичлари тури
		Тури	сони		
	1-сон БҮСМ		1	12	OSTEN G 10

Келишилган:

"Таъминотчи"

Худугазтаминот
Пешку туман филиали
Ф.Хайдаров



"Истеъмолчи" раҳбари

1-сон БҮСМ директори

Н.Файзуллаев

